

**КЕКСА ВА ҚАРИ ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА СОН СУЯГИ БҮЙИНЧАСИНИНГ
ОСТЕОПОРОТИК СИНИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШДА РЕНТГЕН ДЕНСИТОМЕТРИЯНИНГ
АҲАМИЯТИ**



Холхўжаев Фарруҳ Иқромовиҷ, Орипов Фирдавс Суръатовиҷ
Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

**ЗНАЧЕНИЕ РЕНТГЕНОЛОГИЧЕСКОЙ ДЕНСИТОМЕТРИИ В ДИАГНОСТИКЕ
ОСТЕОПОРОТИЧЕСКИХ ПЕРЕЛОМОВ ШЕЙКИ БЕДРЕННОЙ КОСТИ У БОЛЬНЫХ
ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА**

Холхужаев Фарруҳ Иқромовиҷ, Орипов Фирдавс Суръатовиҷ
Самарқандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

**THE IMPORTANCE OF X-RAY DENSITOMETRY IN THE DIAGNOSIS OF OSTEOPOROTIC
FRACTURES OF THE FEMORAL NECK IN ELDERLY AND SENILE PATIENTS**

Holkhujaev Farrukh Ikromovich, Oripov Firdavs Suratovich
Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: farrux1989trauma@gmail.com

Резюме. Остеопороз муаммосининг долзарблиги, биринчи навбатда, унинг асосатлари - сон суяги бўйинчасининг синии ва бунинг натижасида кексалар орасида келиб чиқадиган ногиронлик ва ўлимнинг сезиларли даражасада ошиши билан белгиланади. Денситометрия остеопорозни ташхислашнинг ишончли кенг тарқалган усулларидан биридир. Шунингдек, у ушбу касалликнинг даволаш сифатини баҳолаш усули бўлиб ҳам хизмат қиласди. Сўнгги йилларда остеопороз муаммоси иқтисодий ва ижтимоий аҳамият касб этадиган муаммолардан ҳисобланади. Ҳозирги вақтда икки энергияли рентген денситометрияниң тиббиётда қўлланилиши остеопорознинг бошлангич давларида суяқ минерал зичлигини баҳолаш йўли билан эрта ташхис қўйши имкониятини яратиб беради.

Калим сўзлар: гиперкальциемия, T-мезон, Z-мезон, остеопороз, остеопения, рентген денситометрия.

Abstract. The urgency of the problem of osteoporosis is determined, first of all, by its complications - fractures of the femoral neck, which leads to a significant increase in disability and mortality among the elderly. Densitometry is one of the most reliable methods for diagnosing osteoporosis. And also, it is a method to assess the quality of treatment of this disease. In recent years, the problem of osteoporosis has received more and more attention due to its economic and social significance. Currently, dual-energy X-ray densitometry allows, by assessing bone mineral density, to establish a diagnosis in the early stages of the disease.

Key words: hypercalcemia, T-score, Z-score, osteoporosis, osteopenia, X-ray densitometry.

Муаммонинг долзарблиги. Остеопороз – скелетнинг тизимли метаболик касаллиги бўлиб, асосан кекса ёшдаги одамларда суяқ тўқимасининг минерал зичлигининг аста-секин камайиши ва суяқ тўқималарининг микроархитектоникасининг кескин бузилиши билан кечувчи таянч – ҳаракат тизимининг оғир патологияридан бири ҳисобланади. Суяқ тўқималарида бундай ўзгаришлар натижасида минимал травмаларда ҳам скелетнинг ҳар хил ыисмларида остеопоротик синишлар кузатилади [9].

Бутун жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра остеопороз юкумли бўлмаган касалликлар орасида юрак-қон томир тизими касалликлари, онкологик патология ва қандли диабетдан кейин тўртинчи ўринда туради [6]. Бу ташкилот маълумотларига кўра сон суяги бўйинчасининг остеопоротик синишлари билан дунёда ҳар йили 800 мингдан бир миллионгача бўлган bemorlar стационар даволанишади ва бу bemorlarнинг 35% ни аёллар ташкил қиласа, 20% эса эркакларга тўғри келади [8].

Касаллик узок йил давомида аста-секин ривожланиши ва кам симптомлилиги билан ажралиб туради [5, 7]. Кўп ҳолларда таянч-харакат тизими ning турли қисмларида (асосан сон суягининг проксимал охирида, умуртқа погонасида, билак суягининг дистал охирида) патологик (остеопоротик) синишлар кузатилгандагина, бемор мурожатидан сўнг ташхислаш имконинини беради [1, 3]. Бу эса касалликнинг оғир асоратлари юзага келгандан сўнг даволаш бошланиши туфайли, даволашда яхши натижаларга эришиш эҳтимолини кескин камайтиради. Бунинг сабаби бу вақтда, яъни синишлар билан асоратланганда суяк тўқимасида қайтмас морфологик ўзгаришлар юзага келади. Шунинг учун ҳам, бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, айниқса ривожланган мамлакатларда бу касаллик «жим турувчи эпидемия» деб ҳам таърифланган [2, 4].

Остеопороз диагностикасида клиник текшириш усуллари, bemor анамнези, нурли ташхислаш (рентгенография, компьютер томография, магнит резонанс томография ва дэнситометрия), қоннинг биохимик текширувлари (кальцитонин, паратгармон, витамин D, остеокальцин, калций ва фосфор миқдори)дан фойдаланилади [4, 10]. Остеопороз диагностикасида диагностик аниқлиги юқори бўлган ва “олтин стандарт” усули бўлиб рентген дэнситометрия ҳисобланади. Икки энергияли рентген абсорбциометрия яъни рентген дэнситометр рентген нурлари оқимининг тўқималарни сканерлаб юқори ва паст энергияли тузилмаларга ажратишига асосланган. Бу сканерлаш детектор ёрдамида ёзиб олинади ва олинган маълумотлар умумлаштирилади. Олинган маълумотларни хulosалашда ва суяк минерал зичлиги даражасини баҳолашда T- ва Z-мезонлардан фойдаланилади [2].

T-мезоннинг қиймати суяк зичлигини меъердаги кўрсаткичини таққослаш натижасида аниқланади ва унинг -1 гача бўлган кўрсаткичлари норма ҳисобланади. Агар у белгиланган қийматдан куйидагича ўзгарса, яъни:

-1 дан -2,5 гачани ташкил қилса, минерал зичликнинг пасайиши – *остеопения*, -2,5 дан паст бўлса - синиш эҳтимоли юқори бўлган *остеопорозни* англатади.

Z мезон, суяк массасини bemornинг ёши учун ўртача меъёр билан солиштириш орқали аниқланади. Салбий қиймат - суяк зичлиги

пастлигини билдиради. Бу мезон 20 ёшгача бўлган болаларда (хар иккала жинсда) ва аёлларда 20 ёшдан менапаузагача бўлган даврда ишлатилади. Бу мезоннинг кўрсаткичи -2 дан паст бўлган тақдирда ушбу ёш учун суяк зичлиги меъердан паст ҳисобланади [3].

Тадқиқод мақсади. Сон суяги бўйинчасининг остеопаротик синишлари диагностикасида рентген дэнситометрияниг ахамиятини баҳолаш.

Тадқиқод материаллари ва усуллари. Текширишлар Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг I Катталар ўткир шикастланишлар оқибатлари бўлимида 2021-йил давомида “Сон суягининг бўйинчасидан синишлар” ташхиси билан стационарда даволанган bemorларда ўтказилди. Биз сон суягининг бўйинчасидан синишлари билан 58 та bemorларни текширидик. Беморларнинг ёш ва жинсига қараб тақсимланиши жадвалда келтирилган (жадвал 1).

Bemorларни текширишда куйидаги усуллардан фойдаландик: анамнез йифиш, рақамли рентгенография, рентген дэнситометрия (Аппарат DEXXUM T), ички аъзолар ультратовушли текшируви (УТТ), қондаги калций миқдорини аниқлаш (Аппарат MINDRAY BS-200 биокимёвий анализатори) ва бошқа текширувлар ҳамда таҳлиллар bemorларнинг субъектив ҳолатига кўра ўтказилди.


Тадқиқот натижалари. Текширилган 58 нафар bemorлардан, son suяги бўйинчасининг локализациясига қараб субкапитал синишлар 12 (20,7%), трансцервикал синишлар 24 (41,4%) ва базал синишлар 22 (37,9%) тани ташкил этди. Чап son suяги бўйинчасидан синишлар 33 нафар (57%), ўнг son suяги бўйинчасидан синишлар эса 25 нафар (43%) bemorda аниқланди (расм 1).

Аппарат DEXXUM T рентген дэнситометр ёрдамида барча bemorлар (58 та) текширувдан ўтказилганда 41 (70.7%) нафар bemorda - остеопороз ($T\text{-мезон} < -2,5$ дан паст) (расм 2), 11 (19%) нафар bemorda - остеопения ($T\text{-мезон} -1\text{--}2,5$) (расм 3), 6 (10.3%) нафар bemorda суяк зичлиги норма ($T\text{-мезон} > -1,0$) да эканлиги аниқланди (жадвал 2).

58 нафар bemordan 51 нафар bemorda (18 эркак, 33 аёл) қондаги калций миқдори ўрганилганда гиперкалцемия аниқланди (индикатор 2,5 ммол/л дан юқори).

Жадвал 1. Bemorларнинг ёши ва жинсига кўра тақсимланиши


	20-40 ёш	40-60 ёш	60 ва ундан юқори ёш
Беморларнинг умумий сони	3 та (5,2%)	10 та (17,2%)	45 та (77,6%)
Эркаклар	1 та (1,7%)	4 та (6,9%)	16 та (27,6%)
Аёллар	2 та (3,4%)	6 та (10,3%)	29 та (50,0%)




Расм 1. Сон суяги бўйинчалик синишининг жойлашишига қараб турлари

Жадвал 2. Беморлардаги ўртача асосий денситометрик кўрсаткичлар

	Остеопороз	Остеопения	Норма
Беморлар умумий сони	41 нафар	11 нафар	6 нафар
Жинси ва сони	Эркак (16)	Аёл (25)	Эркак (3)
T-мезон	3.4±0.05	3.7±0.05	1.8±0.07
Z-мезон	3.1±0.05	3.3±0.05	2.1±0.07
			0.4±0.05
			0.6±0.05
			0.4±0.05
			0.5±0.05



Расм 2. Бемор К.М. 1936 й (аёл). Касаллик тарихи № 2246. Ташхис: Ўнг сон суяги бўйинчалик трансцервикал эскирган синиб силжиши



Расм 3. Бемор Г.М. 1969 й(аёл). Касаллик тарихи № 3127. Ташхис: Чап сон суюги бўйинчасининг базал синиб силжиши

Улардан 6 нафарини (4 нафар аёл, 2 нафар эркак) 45 ёшгача бўлган беморлар; қолган 45 нафарини эса 60 ёшдан ошганлар (16 нафар эркак, 29 нафар аёл) ташкил қилди.

Хуроса. Олинган маълумотлар шуни кўсатадики остеопороз бу суюк зичлигининг пасайиши ва микроархитектоникасининг бузилиши билан кечувчи сурункали прогрессив тизимли касаллик бўлиб, у клиник симптом катаболизм жараёнларининг устунлиги туфайли суюк тўқималари метаболизмининг бузилиши натижасида суюк тўқимаси мўртлигига олиб келади. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра ушбу патология 50 ёшдан ошган аёлларда эркакларга нисбатан кўпроқ учрайди. Остеопорознинг асорати сифатида суюк синиши бошқа суюкларга нисбатан сон суюгининг бўйинчасида кўпроқ учрайди. Бу беморларнинг ҳаёт сифатига, ногиронлик ривожланиш эҳтимолига таъсир қиласди.

Тавсия. Шунинг учун, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олиш мақсадида ушбу касалликни эрта аниқлаш дастурини ишлаб чиқиш зарур. Денситометрия, бошқа усуллардан фарқли равишда беморда суюк минерал зичлигини эрта аниқлашда ёрдам беради. Денситометрия суюк ва скелетнинг остеопороз шикастланиш даражасини аниқлашнинг асосий

усулларидан бири бўлғанлиги ва нурланишнинг жуда паст (деярли аҳамиятсиз) таъсирига эга эканлиги сабабли, денситометрияни скрининг усули сифатида кўриб чиқишини таклиф қилиш мантиқан тўғри хисобланади. Бу суюк минерализацияси бузилиши эрта босқичларида остеопенияни аниқлаш имконини беради. Биз 30 ёшдан ошган аёллар ва 40 ёшдан ўтган эркакларда 12 ой интервал билан денситометрик текширувларни ўтказиб туришни таклиф қиласми. Текшириш натижасида остеопения аниқланган ҳолатларда беморларни қуидагида олиб боришини таклиф қиласми: 1. Ушбу беморни рўйхатга олиш; 2. Аниқлаш учун тегишли текширувни тайинлаш ва ушбу касаллик келиб чиқиш сабабларини (қондаги тегишли гормонлар ва кальций-фосфор тузлари миқдори, сурункали ошқозон-ичак касалларлари) аниқлаш; 3. Даволаш (остеопороз даражасига ва беморларнинг ёшига қараб индивидуал ёндашув); 4. Денситометрия ёрдамида даволаш натижасини назорат қилиб бориши (натижага қараб ҳар 3, -6, -12 ойда). Динамик денситометрия асосида патологик жараённинг ривожланишини тўхтатиш ёки остеопороз белгиларининг кучайишини аниқлаш мумкин. Денситометрия ёрдамида остеопороз ташхиси нафақат эрта ташхис қўйишида, балким ушбу касаллик билан боғлик

асоратларнинг олдини олиш ва аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва меҳнат қобилиятини узайтириш ва яхшилаш учун эрта даволанишини бошлиш имконияти сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Дехканов, Т.Д., Орипов, Ф.С., Дехканова, Н.Т., & Холхужаев, Ф.И. (2022). Способ формирования и морфология печеночно-поджелудочной ампулы. //Проблемы науки, (1 (69)), 55-58.
2. Захаров И.С. Лучевая диагностика остеопороза-современное состояние проблемы //Политравма. – 2015. – №. 1. – С. 69-73.
3. Петак С.М. Денситометрия: интерпретация результатов исследования //Остеопороз и остеопатии. – 2004. – №. 2. – С. 11-13.
4. Петряйкин А.В. и др. Рентгеновская денситометрия, вопросы стандартизации (обзор литературы и экспериментальные данные) //Радиология-практика. – 2018. – №. 1. – С. 50-62.
5. Пискорская В.М., Бижанова Д.А., Дядик Т.Г. Денситометрия в диагностике состояния костной системы у девочек-подростков с различными вариантами дисгенезии гонад //Педиатрия. Журнал им. ГН Сперанского. – 2007. – Т. 86. – №. 5. – С. 55-57.
6. Радченко В.А. и др. Костная денситометрия в клинической практике //Ортопедия, травматология и протезирование. – 2015. – №. 2. – С. 100-107.
7. Ризаев Ж. А., Ахмедов А. А. Основы стоматологической помощи в Республике Узбекистан на основе развития общей врачебной практики // Журнал стоматологии и крациофициальных исследований. – 2023. – Т. 4. – №. 3.
8. Ризаев Ж. А., Хакимова С. З., Заболотских Н. В. Результаты лечения больных с хроническим болевым синдромом при дорсопатии бруцеллезного генеза // Uzbek journal of case reports. – 2022. – Т. 2. – №. 3. – С. 18-25.
9. Ризаев Ж. А., Хазратов А. И. Канцерогенное влияние 1, 2-диметилгидразина на организм в целом // Биология. – 2020. – Т. 1. – С. 116.
10. Ризаев Ж. А., Назарова Н. Ш. Состояние местного иммунитета полости рта при хроническом генерализованном пародонтите // Вестник науки и образования. – 2020. – №. 14-4 (92). – С. 35-40.
11. Ризаев Ж. А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.
12. Ризаев Ж. А., Ризаев Э. А., Кубаев А. С. Роль иммунной системы ротовой полости при инфицировании пациентов коронавирусом SARS-CoV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.
13. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукадиев А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.
14. Ронь Г.И. и др. Денситотометрия (денситометрия) на конусно-лучевом компьютерном томографе в динамическом наблюдении пациентов с заболеваниями пародонта как инструмент выявления минеральной плотности костной ткани // Институт стоматологии. – 2015. – №. 1. – С. 40-43.
15. Сорокин А.П., Герасимова Л.П. Оптическая денситометрия периапикальной области по данным радиовизиографии и дентальной компьютерной томографии // Практическая медицина. – 2013. – №. 5 (74). – С. 150-153.
16. Холхужаев Ф.И., Орипов Ф.С., Уринбаев П.У. Некоторые показатели частоты сочетания переломов костей с заболеваниями органов желудочно-кишечного тракта // Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 8 (133). – С. 4-9.
17. Холходжаев Ф.И., Орипов Ф.С., Уринбаев П.У. Соотношение структурных компонентов костей тазобедренного сустава у лиц в разные периоды жизни // Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 79-83.

ровании пациентов коронавирусом SARS-CoV-2 // Здоровье, демография, экология финно-угорских народов. – 2020. – №. 3. – С. 67-69.

13. Ризаев Ж. А., Кубаев А. С., Абдукадиев А. А. Состояние риномаксиллярного комплекса и его анатомо-функциональных изменений у взрослых больных с верхней микрогнатией // Журнал теоретической и клинической медицины. – 2020. – №. 3. – С. 162-165.

14. Ронь Г.И. и др. Денситотометрия (денситометрия) на конусно-лучевом компьютерном томографе в динамическом наблюдении пациентов с заболеваниями пародонта как инструмент выявления минеральной плотности костной ткани // Институт стоматологии. – 2015. – №. 1. – С. 40-43.

15. Сорокин А.П., Герасимова Л.П. Оптическая денситометрия периапикальной области по данным радиовизиографии и дентальной компьютерной томографии // Практическая медицина. – 2013. – №. 5 (74). – С. 150-153.

16. Холхужаев Ф.И., Орипов Ф.С., Уринбаев П.У. Некоторые показатели частоты сочетания переломов костей с заболеваниями органов желудочно-кишечного тракта // Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 8 (133). – С. 4-9.

17. Холходжаев Ф.И., Орипов Ф.С., Уринбаев П.У. Соотношение структурных компонентов костей тазобедренного сустава у лиц в разные периоды жизни // Academy. – 2020. – №. 5 (56). – С. 79-83.

ЗНАЧЕНИЕ РЕНТГЕНОЛОГИЧЕСКОЙ ДЕНСИТОМЕТРИИ В ДИАГНОСТИКЕ ОСТЕОПОРОТИЧЕСКИХ ПЕРЕЛОМОВ ШЕЙКИ БЕДРЕННОЙ КОСТИ У БОЛЬНЫХ ПОЖИЛОГО И СТАРЧЕСКОГО ВОЗРАСТА

Холхужаев Ф.И., Орипов Ф.С.

Резюме. Актуальность проблемы остеопороза определяется, прежде всего, его осложнениями – переломами шейки бедра, которое приводит к значительному росту инвалидности и смертности среди лиц пожилого возраста. Денситометрия является одним из наиболее достоверных методов диагностики остеопороза. А также, он является методом, позволяющим оценить качество лечения этой болезни. В последние годы проблеме остеопороза уделяется все большее внимание из-за его экономической и социальной значимости. В настоящее время двухэнергетическая рентгеновская денситометрия позволяет путем оценки минеральной плотности костной ткани установить диагноз в начальные периоды заболевания.

Ключевые слова: гиперкальциемия, Т-критерий, Z-критерий, остеопороз, остеопения, рентгеновская денситометрия.